

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019. Fil.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҲОЖИЕВА ЗАРИНА БАХТИЯРОВНА**

**БАДИИЙ МАТННИНГ МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ ХУСУСИЯТИ**  
**(ТУРЛИ ТИЗИМЛИ ТИЛЛАР МАТЕРИАЛИ АСОСИДА)**

**10.00.11 – Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси.**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on philological sciences**

**Ҳожиева Зарина Бахтияровна**

Бадий матнинг миллий-маданий хусусияти

(турли тизимли тиллар материали асосида) ..... 3

**Ҳожиева Зарина Бахтияровна**

Национально-культурная специфика художественного текста

(на материале разносистемных языков) ..... 27

**Hojiyeva Zarina Bakhtiyarovna**

National-cultural specifics of literary text

(on the matter of multi-system languages) ..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 55

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019. Fil.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҲОЖИЕВА ЗАРИНА БАХТИЯРОВНА**

**БАДИИЙ МАТННИНГ МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ ХУСУСИЯТИ**  
**(ТУРЛИ ТИЗИМЛИ ТИЛЛАР МАТЕРИАЛИ АСОСИДА)**

**10.00.11 – Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси.**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Fil768 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетияда бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг [www.fdu.uz](http://www.fdu.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот таълим портали [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Ашурова Дилярам Умаровна  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий олопенглар:** Ҳошмтов Гапшиер Мирзааҳмадович  
филология фанлари доктори, профессор

Зокиров Мухторали Турдалиевич  
филология фанлари номзоди, доцент


**Етакчи ташкилот:** Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон миллий университети


Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019. Fil.05.02 рақамли Илмий кенгашнинг « 4 » август 2020 йил соат 11<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел: (99873) 244-44-02; e-mail: [fardu\\_info@umail.uz](mailto:fardu_info@umail.uz)).


Диссертация билан Фарғона давлат университети Ахборот-ресурс марказида таништириш мумкин (83 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел: (99873) 244-44-02.

Диссертация автореферати 2020 йил « 29 » июль кунин тарқатилди.  
(2020 йил « 29 » июль даги 9 рақамли реестр баённомаси)



  
А.А. Қосимов  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
райси, филол.ф.д., профессор

  
Н.Т. Ҳожашиев  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
кошби, филол.ф.и., доцент

  
А. Мамажонов  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
кошидаги илмий семинар райси,  
филол.ф.д., профессор

## **КИРИШ (филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Тилшунослик фанининг замонавий ривожланиш босқичида тил ҳодисаларини антропоцентрик парадигма доирасида тадқиқ қилишга кучли қизиқиш кузатилмоқда. Бу эса коммуникатив тилшунослик, когнитив тилшунослик, этнолингвистика ва лингвомаданиятшунослик сингари бир қатор фанлар кесишувида тилга нисбатан фанлараро интеграл ёндашувни тақозо этмоқда. Ушбу тадқиқот антропоцентризм доирасида бажарилган бўлиб, у тилларни ўрганишда оламнинг миллий ва лисоний манзарасини яратишда инсон ролини, инсон омилини биринчи ўринга қўювчи методологик тамойил сифатида кўриб чиқилди.

Бадиий матнни тадқиқ қилиш антропоцентрик парадигма билан бевосита боғлиқ, чунки «инсон томонидан яратилувчи матн инсон фикрининг ҳаракатини акс эттиради, тил воситалари ёрдамида фикр динамикаси ва уни етказиб бериш усуллари қайд этган ҳолда, эҳтимолий оламларни барпо этади.»<sup>1</sup>

Бадиий матнни тадқиқ қилишга бағишланган бир қатор илмий ишлар мавжуд бўлишига қарамасдан, бадиий матннинг миллий-маданий хусусияти муаммоси етарли даражада ўрганилмаган. Маълумки, бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида фан ва таълим соҳасида улкан ўзгаришлар содир бўлмоқда. Миллий маданиятни сақлаш ва ривожлантиришга, халқаро маданий алоқаларни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бинобарин, «мамлакатимизда маданият ва санъат тараққий этмаса, жамият ривожланмайди. Халқимизнинг ривожланиш даражаси аввало миллий маданиятимизга қараб баҳоланади. Шу маънода, маданият – бу халқимиз, жамиятимиз қиёфасидир. Биз Ўзбекистоннинг янги қиёфасини яратишга киришган эканмиз, буни аввало миллий маданиятимизни ривожлантиришдан бошлашимиз лозим.»<sup>2</sup> Шу муносабат билан тил ҳодисаларининг миллий-маданий хусусиятини ўрганиш энг муҳим вазифалардан биридир. Мазкур ишда инглиз ва ўзбек тилларидаги бадиий матнлар материали асосида оламнинг миллий-маданий манзараси репрезентациясининг ўзига хосликлари антропоцентризм ва фанлараро интеграл ёндашув нуқтаи назаридан ўрганилди, бу эса амалга оширилган тадқиқотнинг долзарблиги ва назарий аҳамияти юқориликдан далолат беради.

Ушбу диссертация доирасида амалга оширилган тадқиқотлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар

<sup>1</sup> Маслова В.А. Лингвомаданиятшунослик: учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений – М.: Издательский центр «Академия», 2001 – С.8.

<sup>2</sup> Мирзиёев Ш.М. Маданият ва санъат соҳасидаги долзарб масалалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш. 25.12.2017й.

[http://www.uza.uz/oz/politics/prezident-madaniyat-va-sanat-so-asi-ra-barlari-bilan-yi-ilish-25-12-2017?month=12&year=2017&ELEMENT\\_CODE=prezident-madaniyat-va-sanat-so-asi-ra-barlari-bilan-yi-ilish-25-12-2017&SECTION\\_CODE=politics](http://www.uza.uz/oz/politics/prezident-madaniyat-va-sanat-so-asi-ra-barlari-bilan-yi-ilish-25-12-2017?month=12&year=2017&ELEMENT_CODE=prezident-madaniyat-va-sanat-so-asi-ra-barlari-bilan-yi-ilish-25-12-2017&SECTION_CODE=politics)

стратегияси тўғрисида»ги Фармонида, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сонли «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорида ҳамда мазкур фаолиятга таълуқли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар тараққиётининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

### **Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.**

Кўплаб хорижлик тилшунослар F. Boas, W. Humboldt, E. Sapir, A. Wierzbicka ва бошқалар тилларнинг миллий-маданий хусусияти борасида тил ва маданиятнинг ўзаро таъсири масалалари билан шуғулланганлар<sup>3</sup>. Когнитив тилшунослик ва лингвомаданиятшунослик соҳаларида Ch. J. Fillmore, R. Jackendoff, R. Lado, G. Lakoff, R. Langacker, G. Miller, E. Rosh, R. Shank, J. Searl, B. Shore ва D. Tannen сингари олимларнинг тадқиқотлари<sup>4</sup> бизга маълум. Матн назарияси эса T. Dijk, N. Enkvist ва R. Jakobson кабиларнинг ишлари<sup>5</sup>да ўрганилган.

Рус тилшунослигида лингвомаданиятшунослик масалалари рус олимлари Н.Ф. Алиференко, С.Г. Воркачев, В.В. Красных, В.А. Маслова, Ю.С. Степанов,

---

<sup>3</sup> Боас Ф. История и наука в антропологии: ответ / Пер. Ю. С. Терентьева // Антология исследований культуры. – СПб.: Университетская книга, 1997. – Т.1. – С.528-535.; Гумбольдт В. Избранные труды по языкознанию: Пер. с нем. / Общ. ред. Г.В. Рамишвили; Послесл. А.В. Гулыги и В.А. Звегинцева. – М.: ОАО ИГ «Прогресс», 2000. – 400с.; Сепир Э. Избранные труды по языкознанию и культурологии. – М. 1993; Wierzbicka A. Semantics, culture and cognition: Universal human concepts in culture-specific configurations. – New York: Oxford University Press, 1992. – 416 p.

<sup>4</sup> Fillmore C.J. Frame semantics//Linguistics in the morning calm: Selected papers from the SICOL, 1981. – Seoul: 1982. – P. 111–137; Jackendoff R. What is a concept? // Frames, fields and contrasts. New Essays in semantics and lexical organization. Hillsdale: 1992. – P. 191–209; Lado R. Linguistics across cultures. Applied linguistics for language teachers. Ann Arbor: Univ. of Michigan Press, 1957. – 160 p.; Lakoff G., Johnson M. Metaphors We Live By. – Chicago: University of Chicago Press, 1980. – 242 p.; Langacker R.W. Concept, image and symbol: The cognitive basis of grammar. Berlin, N.Y.: Mouton de Gruyter, 1991. – 395 p.; Miller G. A. Images and Models, Similes and Metaphors// Metaphor and Thought. Ed. by A. Ortony. Cambridge – London. Cambridge University Press, 2005. – P. 202 – 250; Rosh E. Principles of categorization// Cognition and Categorization. Hillsdale, New Jersey: Lawrence – Erlbaum, 1978. – P. 27-48; Searle J.R. Metaphor/ Metaphor and Thought. – Cambridge, London, New York: Cambridge University Press, 1982. – P. 92-116; Shank R. C. Reminding and memory organization: An Introduction to MOP// Strategies for natural language processing. Hillsdale: 1982. – P. 455-493; Shore B. Culture in Mind. – Oxford. Oxford University Press, 1996. – 428 p.; Tannen D. Gender and discourse. Cambridge University Press – 1994. – 216 p.

<sup>5</sup> Dijk van T.A. Studies in the pragmatics of discourse/ The Hague: Mouton, 1981. – Vol. XI. – 331 p.; Jakobson R. Language in literature/ Ed. Krystina Pomorska, Stephen Rudy. – Cambridge; L.: The Balknap Press of Harvard UP, 1987. Enkvist N. Current trends in text linguistics / ed. Wolfgang U. Dressler. – Berlin, New York: de Gruyter 1978. – 308 p.

В.Н. Телия ва Р.И. Фрумкиналарнинг ишлари<sup>6</sup> да кўриб чиқилган. Мазкур ишларда тил ва маданиятнинг ўзаро муносабати муайян лингвомаданий мажмуа сифатида кўриб чиқилган, яъни ушбу мажмуада тил маданиятни яратиш, ривожлантириш, сақлаш ва трансляция қилиш воситаси сифатида тарифланган.

Оламнинг лисоний манзараси муаммоси Н.Д. Арутюнова, В.И. Постовалова, Б.А. Серебренников ва А.А. Уфимцева сингари тадқиқотчилар томонидан борликни тил орқали англашнинг ўзига хос усули сифатида ўрганилган. Тил ва маданият муносабати, концептлар Н.Н. Болдырев, Ю.Н. Караулов ва Е.С. Кубрякова томонидан когнитив тилшунослик ва лингвомаданиятшуносликнинг асосий бирликлари сифатида когнитив ёндашиш орқали ўрганилган<sup>7</sup>. Бадиий матн таҳлили билан боғлиқ масалалар И.В. Арнольд, М. Бахтин, И.Р. Гальперин, Ю.М. Лотман ва З.Я. Тураеваларнинг ишларида ўрганиб чиқилган<sup>8</sup>.

Ўзбек тилшунослигида эса тил ва маданият муносабати масалалари билан Д.У. Ашурова, Г.Х. Боқиева, М.Р. Галиева, Н.М. Джусупов, С.М. Зокирова, Ш.М. Искандарова, С.М. Қурбонова, Р.У. Маджидова, А. Мамажонов, А.Э. Маматов, Н.М. Махмудов, Н.З. Насруллаева, А.С. Содиқов, Ш.С. Сафаров, М.Э. Умархужаев, Ш.Р. Усманова, Г.М. Ҳошимов ва Д.С. Худойберганова каби олимлар шуғулланганлар<sup>9</sup>. Аммо, олимлар бадиий матн масалаларига жиддий

---

<sup>6</sup> Алефиренко Н.А. Лингвокультурология: ценностно-смысловое пространство языка: учеб. пособие – М.: Флинта: наука, 2010. – 288с.; Воркачев С.Г. Счастье как лингвокультурный концепт. М. Гнозис, 2004. 236 с.; Красных, В. В. Коммуникативный акт и его структура // Функциональные исследования: сб. ст. по лингвистике. Вып. 4. С. 43-44; Маслова В.А. Современные направления в лингвистике: учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений – М.: Издательский центр «Академия», 2008 – 272 с.; Степанов Ю.С. Изменчивый «образ языка» в науке XX века // Язык и наука конца XX века / под ред. Ю.С.Степанова. – М.: изд-во РГГУ, 1995. – С. 7-34.; Телия В.Н. Культурно- языковая компетенция: ее высокая вероятность и глубокая сокровенность в единицах фразеологического состава языка // Культурные слои во фразеологизмах и дискурсивных практиках – М.: Языки славянской культуры, 2004. – 344с.; Фрумкина Р.М. Культурологическая семантика в ракурсе эпистемологии. // Известия РАН. Отделение литературы и языка. 1999. Т. 58, № 1. С. 3-10

<sup>7</sup> Арутюнова Н.Д. Метафора в языке чувств // Язык и мир человека. – М.: Языки русской культуры, 1999. – С. 385–399; Болдырев Н.Н. Концептуальное пространство когнитивной лингвистики // Вопросы когнитивной лингвистики. – Тамбов. 2004. – №1; Караулов, Ю. Н. Показатели национального менталитета и ассоциативно-вербальной сети/ Языковое сознание и образ мира: сб. ст. / отв. ред.Н.В. Уфимцева. – М.: наука, 2000. – С.191 – 206. Кубрякова Е.С. Язык и знание: На пути получения знаний о языке: части речи с когнитивной точки зрения. Роль языка в познании мира. М., 2004. – 560с.

<sup>8</sup> Бахтин М.М. Эстетика словесного творчества. 2 – е изд. М.: Искусство, 1986. – 444 с.; Гальперин И.Р. Текст, как объект лингвистического исследования. – М., 1981. – 140 с.; Лотман Ю.М. Структура художественного текста. – М.: Наука 1970. – 220 с.

<sup>9</sup> Ашурова Д.У. Производное слово в свете коммуникативной теории языка. – Т.: Фан, 1991. – С. 97; Бакиева Г.Х. Лингвистические основы анализа художественного текста. Автореф.дис...д-ра филол. наук. – Ташкент: УзГУМЯ, 1993. – 46с.; Галиева М.Р. Вербализация концептосферы Word/ Сўз/Слово в английской, узбекской и русской языковых картинах мирах. дис.к.ф.н.Т., 2010. – 178с.; Джусупов Н.М. Тюркский символ в художественном тексте (лингвокогнитивный аспект). Астана: Сарыарка, 2011. – 218 с. 58. Зокирова С.М. Тиллар тадқиқида контрастив лингвистика илмий парадигмасининг ўрни. Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. – Фарғона, 2018 – 155 б.; 63. Искандарова Ш.М. Лексикани мазмуний майдон асосида ўрганиш муаммолари. – Тошкент: Фан, 1998. – 50 б.; 88. Курбанова С.М. Бадиий матнда шахс хусусиятларини ифодалаш. Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. – Фарғона, 2018 – 127 б.; Маджидова Р.У. Антропоцентрические пословицы: семантика и лингвостатистика (на материале узбекского и русского языков). Дисс. канд.филол.наук. – Ташкент – 2010. – 161 с.; Мамажонов А. Текст лингвистикаси. Ўқув қўлланмаси. – Тошкент: ТошДПИ нашри, 1989. – 62 б.; Маматов А.Э. Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиши масалалари.. Филол. фанлари доктори... дисс. автореф. – Тошкент: 2000. – Б. 50.; Махмудов Н.М. Тилнинг мукамал тадқиқи йўллари излаб...// Ўзбек тили ва адабиёти. Тошкент, 2012. – №5. – Б.3-16.; Насруллаева

эътибор қаратган бўлсаларда, айрим масалалар, яъни оламнинг миллий-маданий манзараси муаммоси етарлича ўрганилмаган. Бу борада ўрганилмаган қуйидаги масалаларни қайд этиш мумкин:

оламнинг лисоний бадий манзараси ва унинг этноспецифик хусусиятларини аниқлаш;

оламнинг миллий-маданий манзарасини ифодаловчи тил бирликларини аниқлаш ва уларни таснифлаш.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Замонавий тилшуносликнинг янги йўналишлари» банди доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** оламнинг миллий-маданий манзараси ва уни бадий матнда репрезентацияловчи тил бирликларини комплекс тарзда когнитив-лингвомаданий таҳлил қилишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

антропоцентрик парадигма ва унинг тушунчалар аппаратини асослаш;

оламнинг лисоний манзараси ва оламнинг миллий манзараси тушунчаларининг моҳиятини назарий идрок этиш;

тилшуносликда «оламнинг лисоний бадий манзараси» тушунчасини асослаш;

бадий матнни таҳлил қилишнинг когнитив, лингвомаданий ва гендер аспектларини кўриб чиқиш;

бадий матнда оламнинг миллий-маданий манзарасини ифодаловчи лексик воситаларни аниқлаш;

бадий матнда оламнинг миллий-маданий манзарасини ифодаловчи фразеологик бирликларни аниқлаш;

стилистик воситани миллий маркерланган маданий модел сифатида асослаш;

оламнинг миллий-маданий манзарасини яратишда маданий концептларнинг ролини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** бадий матнда оламнинг миллий-маданий манзарасини яратувчи тил механизмларидир.

**Тадқиқотнинг предмети** бадий матнда оламнинг миллий-маданий манзарасини яратувчи лексик-фразеологик ва стилистик воситаларни лингвокогнитив ва лингвомаданий жиҳатдан ўрганишдан иборат.

---

Н.З. Инглиз тили фразеологик бирликлар семантикасидаги гендер концепцияси. Доктор. дисс. ... автореф. – Ташкент, 2016 – 103 с.; Садыков А.С. К вопросу о типологии выражения предикативности (на материале некоторых индоевропейских и тюркских языков). Автореф... дисс. кан. филол. наук. – М.: 1969. – 26 с.; Сафаров Ш.С. Когнитив тилшунослик. – Самарқанд: Сангзор нашриёти, 2006. – 92 б.; Умарходжаев М.И. Очерки по современной фразеологии. – Т.: Фан., 1977. – 103 с.; Усманова Ш.Р. Олтой тилларидаги муштарак маиший лексика тадқиқи. Филол. фанлари. д-ри. дисс. – Тошкент, 2011 – 324 б.; Хошимов Г.М. К теории концептов и их таксономии в когнитивной лингвистике// Систем-структур тилшунослик муаммолари. Самарқанд, 2010. – Б. 68-78; Худойберганова Д.С. Ўзбек тилидаги бадий матнларнинг антропоцентрик талқини. Филол. фанлари. д-ри. дисс. – Тошкент, 2015 – 240 б.



### **Тадқиқотнинг усуллари.**

Диссертация тадқиқотида қуйидаги методлар қўлланилди: тасвирлаш, қиёсий-чоғиштира, семантик-стилистик, контекстуал таҳлил, фрейм таҳлили, кросс-маданий таҳлил, концептуал таҳлил, когнитив-метафорик таҳлил.

### **Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилар билан изоҳланади:**

Бадиий матнга нисбатан комплекс, фанлараро интеграл ёндашув қўлланилди. Тил ҳақидаги фаннинг кўплаб муаммолари жамият тарихи, миллий менталитет ва миллий ўзликни англаш масалалари билан бевосита боғлиқ бўлганлиги сабабли, бадиий матнни ўрганишда бундай комплекс ёндашувни қўллаш, назаримизда, анча самарали ва истиқболлидир. Чунки, у бадиий матннинг миллий-маданий хусусиятларини аниқлаш муаммосини ҳал этиш имконини беради.

Тилларнинг миллий-маданий хусусиятини тилшуносликнинг замонавий йўналишлари: этнолингвистика, когнитив лингвистика, лингвомаданият-шунослик ва гендер тилшунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилиш амалиёти ва тавсифлаш методикалари ишлаб чиқилди. Фрейм таҳлил, концептуал таҳлил, когнитив-метафорик таҳлил каби янги тадқиқот методларининг қўлланилиши бадиий матнни ҳар томонлама ўрганиш ҳамда унинг миллий-маданий хусусиятини аниқлаш имконини берди.

Стилистик воситанинг концептуал ва миллий-маданий таркибини ўрганишга янгича ёндашилди. Бунда стилистик восита умуминсоний, миллий ҳамда индивидуал маданиятнинг барча элементларини етказиб берувчи миллий-маданий модел сифатида ўрганилди. Бундай ёндашув бадиий матнда оламнинг миллий манзарасини яратишда стилистик воситаларнинг ролини белгилаш имконини беради.

Оламнинг миллий-маданий манзарасининг бадиий матнда репрезентацияланишида маданий концептларнинг роли ўрганилди. Яъни, концепт оламнинг концептуал, лисоний ва миллий манзарасининг асосий бирлиги бўлиб, тил бирликларининг концептуал мазмуни эканлиги билан ҳам, бадиий матндаги концептуал ахборотнинг ифодаланиши жиҳатдан ҳам муҳимдир. Концептни шу нуқтаи назарлардан ўрганиш маданий концептларнинг оламнинг бадиий манзарани ҳамда унинг миллий хусусиятини яратишдаги ролини аниқлаш имконини беради.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** бадиий матннинг миллий-маданий хусусиятини ҳамда уни тилларни ўрганиш жараёнида таҳлил қилиш заруратини асослашдан иборат.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** диссертацион тадқиқотнинг методологик ҳолатларига мос равишда қўйилган вазифаларни ҳал қилишга йўналтирилган таҳлил амалиётининг ишлаб чиқилганлиги, тадқиқот методикаси, тадқиқотнинг илмий-назарий базаси билан таъминланади.

### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишда фойдаланилган замонавий ёндашувлар бадиий матннинг миллий-маданий хусусиятини

аниқлаш, инглиз ва ўзбек лингвомаданиятларида оламнинг миллий-маданий лисоний манзарасини очиб бериш имкониятини беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, тадқиқот материаллари ва хулосалари ОТМлардаги таълим жараёнида когнитив тилшунослик, лингвомаданиятшунослик, стилистика ва матн интерпретацияси фанлари бўйича маъруза ва семинар машғулотларини ўтказишда, диссертацион ишларни ёзиш ҳамда дарслик ва ўқув қўлланмаларини тайёрлашда фойдаланилиши мумкин.

#### **Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

Бадиий матнда оламнинг миллий манзарасини яратувчи тил бирликларини когнитив ва лингвомаданий таҳлил қилиш натижасида қўлга киритилган назарий ва амалий натижалар:

№ИТД-1, А-1-209 рақамли «Маданиятлараро ва коммуникатив ёндашув нигоҳида магистратура мутахассислиги бўйича назарий фанлардан инглиз тилида дарслик ва ўқув қўлланмалар яратиш ҳамда ўзбекча-инглизча-русча лингвистик терминлар луғатини тузиш» номли амалий тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 11 декабрдаги 89-06-86 сонли маълумотномаси) бўлиб, мазкур лойиҳада когнитив тилшунослик, лингвомаданиятшунослик, оламнинг лисоний манзараси, оламнинг миллий лисоний манзараси, бадиий матннинг когнитив, лингвомаданий ва гендер аспекти бўйича назарий фикрлар, шунингдек сўз-реалиялар, фразеологик бирликлар, стилистик воситалар ва маданий концептларнинг миллий-маданий хусусиятини ўрганиш бўйича амалий материал ишлатилган. Натижада мазкур маълумотлар лойиҳа доирасида яратилган дарслик ва луғатларнинг такомиллаштирилишига хизмат қилган;

ОТ-А1-018 рақамли ИТД-1-07 «Тилшунослик асослари фанидан дарслик, ўқув-услубий мажмуа ва уларнинг электрон нусхаларини яратиш» номли амалий тадқиқот лойиҳасида бадиий матннинг этнолингвистика, когнитив лингвистика, лингвомаданиятшунослик, шунингдек гендер тилшунослик сингари тилшуносликнинг замонавий йўналишлари доирасида амалга оширилган таҳлили натижаларидан фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 11 декабрдаги 89-06-86 сонли маълумотномаси). Натижада мазкур маълумотлар лойиҳа доирасида яратилган дарслик, ўқув-методик мажмуалар ва уларнинг электрон версияларини бойитишга хизмат қилган;

А-1-61 рақамли «Кўриш имконияти чекланган талабалар учун тилшунослик фанлари бўйича аудиокитоб таъминотини яратиш» номли амалий тадқиқот лойиҳаси доирасида замонавий тилшунослик, лингвомаданиятшуносликнинг назарий ва амалий асосларининг долзарб муаммолари, оламнинг лисоний манзараси тушунчаси ва унинг миллий хусусияти, лингвистик воситаларнинг миллий-маданий хусусияти бўйича маълумотлар аудиомаълумотлар тўпламини тайёрлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 11 декабрдаги 89-06-86 сонли

маълумотномаси). Натижада назарий ва амалий материал аудиотўплам мазмунининг ўзгартирилишига туртки бўлди.

ОТ-А1-018 рақамли «Ўзбек тили ва унинг таржимаси билан боғлиқ электрон ва банк молия терминларининг кўптилли луғатларини яратиш» номли амалий тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 11 декабрдаги 89-06-86 сонли маълумотномаси). Мазкур лойиҳада лексик воситаларнинг этнолингвистика, когнитив лингвистика, лингвомаданиятшунослик, шунингдек гендер тилшунослик сингари тилшуносликнинг замонавий йўналишлари доирасида амалга оширилган таҳлили, тил ҳодисаларининг миллий-маданий хусусиятини ўрганиш бўйича амалий маълумотлар ишлатилган. Натижада амалий материал луғатларнинг мазмунини бойитишга хизмат қилган;

Инглиз ва ўзбек тилларидаги бадиий матннинг миллий-маданий хусусияти масаласи бўйича назарий фикр ва амалий маълумотлар «Ўзбекистон» телерадиоканалининг «Тилга эътибор», «Ассалом, Ўзбекистон!» кўрсатувларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «O'zbekiston» телерадиоканали давлат унитар корхонасининг 2019 йил 27 ноябрдаги 01-13-2470 сонли маълумотномаси). Натижада диссертацион тадқиқот маълумотлари мазкур кўрсатувларнинг омалашуви ва илмий савиясининг ошишига хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 2та халқаро ва 2та республика илмий-амалий анжуманларида илмий доклад шаклида апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 24та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10та мақола ва 3таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан ташкил топган. Ишнинг умумий ҳажми 124 саҳифадан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, эришилган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, натижаларни амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Тадқиқотнинг методологик асослари» деб номланган биринчи бобида антропоцентрик парадигманинг асосий тушунча ва хусусиятлари асосланган, оламнинг лисоний манзараси ҳамда оламнинг миллий

манзараси тушунчаларининг моҳияти ёритилган, тилшуносликдаги «оламнинг лисоний бадий манзараси» тушунчаси назарий идрок этилган.

**1.1.** «Антропоцентрик парадигма: муаммолар, асосий тушунчалар ва фикрлар» деб номланган бўлимда илмий парадигма тўғрисидаги бирмунча муҳим фикрлар, антропоцентрик парадигманинг муаммолари, фанлараролик ва текстоцентризмнинг асосий тушунчалари ёритилган.

Замонавий тилшуносликнинг муҳим масалаларидан бири илмий парадигма муаммосидир. Тадқиқодчилар илмий парадигмани номлашда ҳам, уларнинг сонини аниқлашда ҳам, ушбу масаланинг ечимига турлича ёндашадилар. Илмий парадигма тўғрисидаги муҳим фикрлар Е.С. Кубрякова, Ю.С. Степанов, М.В. Пименова, В.А. Маслова каби олимларнинг ишларида олиб чиқилган. Шунини таъкидлаш жоизки, мазкур масалага турлича ёндашувларга қарамасдан, барча тадқиқодчилар антропоцентрик парадигмани замонавий тилшуносликдаги етакчи парадигма эканлигини эътироф этадилар. Бу эса тил ва тил ҳодисаларини тадқиқ қилишда инсон омилининг нақадар аҳамиятли эканлигидан далолат беради.

Лингвистик адабиётларни ўрганиб чиқиш орқали шу хулосага келиндикки, ўзида «муаллиф, матн ва ўқувчи» учлигини намоён этувчи бадий матнни таҳлил қилишда антропоцентрик ёндашув ўта долзарбдир. Бундан ташқари, антропоцентрик парадигманинг фанлараролик, функционализм, текстоцентризм ва экспланаторлик каби барча асосий хусусиятлари бадий матн билан чамбарчас боғлиқдир.

**1.2.** «Оламнинг лисоний манзараси лингвистик муаммо сифатида» деб номланган параграфда оламнинг концептуал манзараси ва оламнинг лисоний манзараси ўртасида ўзаро боғлиқлик ўрганиб чиқилди, оламнинг лисоний манзарасига (ОЛМ) ва унинг турларига тавсиф берилди.

Оламнинг концептуал ва лисоний манзаралари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик масаласига нисбатан олимлар турли хил нуқтаи назарларни ва ёндашувларни илгари сурадилар. Яъни, биринчи ёндашув вакиллари оламнинг концептуал манзараси ва оламнинг лисоний манзараси бир хил, деб ҳисоблайдилар (Г.А. Брутян)<sup>10</sup>. Иккинчи ёндашув вакиллари, оламнинг лисоний манзараси оламнинг концептуал манзарасига боғлиқ деган фикрни илгари сурган ҳолда, оламнинг лисоний манзараси оламнинг концептуал манзарасининг хусусиятларини тўлиқ акс эттирмайди (З.Д. Попова, И.А. Стернин) деб ҳисоблайдилар. Иккинчи ёндашув тарафдорларининг фикрини ёқлаган ҳолда, биз оламнинг концептуал манзараси оламнинг лисоний манзарасидан кўра кенгроқ деб ҳисоблаймиз, чунки «тил олами концептуал оламнинг репрезентанти сифатида қаралади, ва у ўз навбатида реал объектив оламини репрезентация қилади. Репрезентация қилаётган тизим эса ҳамisha репрезентация этилаётганига нисбатан саёзроқ бўлади, гўё метатил табиий тилга нисбатан камбағалроқ бўлгани сингари».<sup>11</sup>

<sup>10</sup> Брутян Г. А. Язык и картина мира // Научные доклады высшей школы. Философские науки. М., 1973. № 1. – С. 84-112.

<sup>11</sup> Попова З.Д., Стернин И.А. Когнитивная лингвистика. – М.: Восток Запад, 2007. – С.37.

Лингвистик адабиётларда оламнинг лисоний манзараси турларини таснифлаш борасида фикрларнинг турли-туманлигини кузатиш мумкин. Тадқиқотимиз мақсадида барча ишларда кузатиладиган оламнинг лисоний манзарасининг миллий-маданий хусусияти тўғрисидаги ғоянинг алоҳида ўринга эгаллигини таъкидлаш лозим. Оламнинг лисоний манзараси типологиясига келсак, тадқиқотимизда оламнинг лисоний манзараси қуйидаги кўринишлари ифодаланган: оламнинг содда лисоний манзараси (ОСЛМ), оламнинг илмий лисоний манзараси (ОИЛМ), оламнинг миллий лисоний манзараси (ОМЛМ), оламнинг бадиий лисоний манзараси (ОБЛМ), оламнинг индивидуал-муаллифлик лисоний манзараси (ОИМЛМ). Тадқиқотимиз мақсадларига кўра, ўзида тил ва миллий маданият муносабатини акс эттирувчи ОМЛМ ва ОБЛМ тушунчалари нисбатан аҳамиятлироқ. Зеро, тил миллий маданият, миллий менталитет ва миллий характернинг ажралмас қисмидир.

**1.3.** «Оламнинг лисоний манзарасининг миллий хусусияти». Бу бўлимда ОМЛМнинг энг аҳамиятли масалалари асослаб берилган: а) тил ва миллий маданиятнинг ўзаро муносабати, б) ОМЛМ ва миллий менталитет тушунчаларининг ўзаро алоқадорлиги, ОМЛМ ва миллий характер. Олимларнинг (В. фон Гумбольдт, Н.Ф. Алефиренко, В.А. Маслова, С.Г. Тер-Минасова, Т.Б. Радбиль) ушбу масала борасидаги муҳим нуқтаи назарларини умумлаштирган ҳолда, хулоса қилишимиз мумкинки, ОМЛМ тилни оламнинг миллий манзарасини, миллий менталитетни, миллий характерни ва халқнинг миллий маданиятини концептуализацияловчи восита сифатида акс эттиради. Шу муносабат билан, ОМЛМни тадқиқ қилишда миллий маданиятни ташувчилари бўлмиш тил birlikлари ва матнларга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Шу жиҳатдан оламнинг миллий ва бадиий манзарасини акс эттирувчи бадиий матн устувор аҳамиятга эга бўлиб, оламнинг бадиий манзарасини миллий маданият, миллий менталитет ва дунёқараш нуқтаи назаридан англаш имконини беради.

**1.4.** «Оламнинг бадиий лисоний манзараси тушунчаси». Замонавий тилшуносликда «оламнинг бадиий лисоний манзараси» (ОБЛМ) тушунчаси долзарб ҳисобланади, чунки у бадиий адабиётларга асосланган ҳолда, муайян этник гуруҳнинг мавжудлигини, хусусан унинг миллий тафаккурини, дунёқарашини, маданиятини ва феъл-атворини англаш имконини яратади.

Лингвистик адабиётларда оламнинг бадиий манзараси (ОБМ) ва ОБЛМ тушунчалари бир хил деган қарашлар кузатилади, бу бизнинг назаримизда тўғри эмас. ОБМ санъатнинг барча турларини қамраб олади, бироқ уларнинг баъзиларигина тилни восита сифатида ишлатади ҳолос. Шундай экан, тил birlikлари, хусусан бадиий асарлар ёрдамида ифодаланувчи оламнинг манзараси ўзининг терминологик номига эга бўлиши керак деб ҳисоблаймиз ва у «Оламнинг бадиий лисоний манзараси» (ОБЛМ) деб аталиши лозим. ОБЛМ – бу оламнинг бадиий манзарасининг вербал ифодаси, яъни тил воситаси орқали ифодаланган ОБМдир.

Оламнинг бадиий лисоний манзараси назарияси доирасида бадиий матнни тадқиқ қилиш масаласи алоҳида эътиборга молик, чунки ОБЛМнинг асосини

айнан бадий матн ташкил этади. Тадқиқотда бадий матн маданият бирлиги эканлиги ҳамда оламни миллий идрок этиш, муайян халқнинг билим ва тажрибаси, унинг менталитети, характери, анъана ва маданий қадриятларининг инъикоси эканлиги ҳақидаги фикрлар илгари сурилади. Бадий матн мураккаб ва кўп ўлчамли ҳосила бўлиб, уни атрофлича ўрганишни тақозо этади. Бадий матннинг тил воситалари маданий ахборотларнинг асосий ташувчилари ҳисобланиб, уларни таҳлил қилиш бутун матннинг моҳиятини ва шу халқ оламининг миллий лисоний манзарасини англаш имконини беради.

ОБЛМнинг асосий хусусиятлари, бизнинг фикримизча, бадий матннинг асосий тоифалари билан белгиланади ва биз уни кўплаб олимлар (Ю.М. Лотман, В.А. Шаховский, В.А. Кухаренко, И.Р. Гальперин, Г.Г. Молчанова, Д.У. Ашурова) сингари қуйидагича баҳолаймиз: образлилик, экспрессивлик, эмотивлик, қийматлилик, имплицитлик, креативлик ва эстетиклик.

Юқоридаги тоифавий бўлинишлар лингвистик адабиётда анча тўлиқ тавсифланган. Аммо, бу рўйхатга, бизнинг фикримизча, ОБЛМ нинг яна бир муҳим тоифаси – миллий-маданий хусусиятни киритиш мақсадга мувофиқдир. Тадқиқотимизда миллий-маданий хусусият ОБЛМни репрезентацияловчи бадий матнларнинг ажралмас таркибий қисми эканлигини исботлашга ҳаракат қилдик.

Диссертациянинг «**Бадий матн таҳлиliga доир замонавий ёндашувлар**» деб номланувчи иккинчи бобида когнитив лингвистика, лингвомаданиятшунослик ва гендер тилшунослик нуқтаи назаридан бадий матнни таҳлил қилишга нисбатан фанлараро комплекс ёндашув қўлланилган. Бундай ёндашувни қуйидагилар тақозо этади: а) бадий матннинг мураккаб кўп поғоналилиги; б) бадий матннинг антропоцентрик характерлилиги; в) когнитив лингвистика, лингвомаданиятшунослик ва гендер тилшунослик фанларининг ўзаро чамбарчас алоқадорлиги.

**2.1.** «Бадий матн таҳлилининг когнитив аспекти». Бадий матнни таҳлил қилишга доир когнитив ёндашув қуйидаги муаммоларни илгари суради: а) матнда ифодаланган бадий ахборотни концептуаллаштириш ва таснифлаш жараёнлари; б) стилистик воситаларнинг когнитив асослари ва когнитив талқини; в) бадий матнда маданий концептларнинг ўз функцияларини бажариши.


Бадий матн таҳлилида концептуал метафорага катта эътибор қаратилди. Концептуал метафора – бу «асосий ментал ҳатти-ҳаракат бўлиб, у икки тушунча қобиғини бирлаштиради ва янги сферани концептуализация қилишда манба-сферанинг потенциалидан фойдаланиш имконини беради»<sup>12</sup>. Бадий матндаги концептуал метафоранинг ўзига хос фарқли жиҳати унинг бутун матндаги концептуал ахборот билан ўзаро алоқадорлигидир.

Концептуал ахборот ўз навбатида турли аҳамиятга эга бўлган концептуал бирликлар (бирламчи-концептлар, макроконцептлар ва микроконцептлар)нинг

---

<sup>12</sup> Чудинов А.П. Россия в метафорическом зеркале: когнитивное исследование политической метафоры. – Екатеринбург, 2001. – С.36.

шажаравий тизимини ифодалайди. Стилистик воситалар, хусусан концептуал метафора бадий матнда бирламчи-концепт, макро ва микроконцепт функцияларини бажаради. Мазкур ҳолат тил материалини, хусусан О. Генрининг «The last leaf»<sup>13</sup> ҳикоясини таҳлил қилиш орқали ўз тасдиғини топади. «The last leaf» метафорасининг концептуал маъносини схематик тарзда қуйидагича тақдим этиш мумкин (1 расм):



1-расм.

Диаграммада кўрсатилган когнитив метафора – «The last leaf» ўзида ҳам ижобий (*kindness, nobleness, humanity, sacrifice, masterpiece, life, hope*), ҳам салбий (*death, human weakness*) йўналтирилган кенг-қамровли концептуал хусусиятларни ифода этади. Бу орқали бутун бир ҳикоянинг моҳиятини чуқур англаш ва асосий қаҳрамонлар образларини очиб бериш мумкин.

**2.2.** «Бадий матн таҳлилининг лингвомаданий аспекти». Ҳозирги кунда лингвомаданиятшунослик мустақил илмий фан ҳисобланади ва унинг асосий ғоялари қуйидаги машҳур олимларнинг ишларида ёритилган: Ю.С. Степанов, Н.Д. Арутюнова, В.В. Красных, В. Н. Телия, Н.Ф. Алефиренко, В.А. Маслова, В.В. Воробьев, А.Т. Хроленко Д.У. Ашурова, А.Э. Маматов, М.Р.Галиева. Тадқиқотимиз учун энг муҳим бўлган фикрларни сарҳисоб қилган ҳолда, назаримизда, лингвомаданиятшуносликнинг назарий асосинини ташкил этувчи умумий ғояларни таъкидлаб ўтишимиз лозим: булар тил ва маданиятнинг ўзаро таъсири ва муносабатлари механизмлари тўғрисидаги ғоялар; лингвомаданиятшунослик ва когнитив лингвистика, мамлакатшунослик, маданиятлараро мулоқотнинг ўзаро алоқадорлиги тўғрисидаги ғоялар; тилнинг чуқур-аҳамиятли маконини ўрганишнинг устуворлиги тўғрисидаги ва лингвомаданиятшуносликнинг антропоцентриқ йўналтирилганлиги тўғрисидаги ғоялардир.

<sup>13</sup> Henry O. 25 beststories. – М.: Издательство ИКАР, 2014 – С. 120-127.

Лингвомаданиятшунослик нуқтаи назаридан бадиий матннинг таҳлили тил ва маданият ўртасидаги алоқадорликни ўрганишга қаратилган бўлиб, бу алоҳида тил бирликлари даражалари (лексик воситалар, фразеологик воситалар, стилистик воситалар ва ҳоказо)да, айниқса, нутқий фаолиятда, хусусан бадиий матнда намоён бўлиши мумкин.

Лингвомаданиятшунослик фанининг асосий масалаларидан бири оламнинг миллий-маданий лисоний манзарасини ўрганишдир. Тадқиқотимизда оламнинг миллий-маданий манзараси бадиий матнда янада ёрқинроқ намоён бўлади, деган асосий фикр илгари сурилган ва мос равишда асослаб берилган. Миллий, маданий-тарихий ахборотни ташувчиси ҳисобланган бадиий матннинг таҳлили халқнинг миллий қадриятларини аниқлаш имконини беради. Бадиий матнни таҳлил қилишда, унинг асосини ташкил этувчи маънавий, эстетик, ижтимоий, диний ва бошқа қадриятлар алоҳида аҳамият касб этади.

Ишимизда А.Қодирийнинг «Ўткан кунлар» асаридан олинган парча<sup>14</sup> мисолида ўзбек тилидаги «Меҳмондорчилик» миллий-маданий қадрияти таҳлил қилинди. Унинг асосида ўзбек этномаданиятининг миллий-маънавий, инсоний, этик қадриятлари сингиб кетган бўлиб, булар қуйидаги сифатларда намоён бўлади:

- **хушмуомалалик:**

*«Ўзбек ойим Офтоб ойим билан саломлашиб кучоқлаша кетдилар. Ўзбек ойимдан кейин бошқа хотинлар унинг билан кўришиб чиқдилар... Кумуш салом берди ва қўлидаги паранжисини ерга ташлади, югуриб келиб ўзини Ўзбек ойимни кучоғига олди... Кумуш бошқалар билан бир-бир кўришиб чиқди».*

- **ҳурмат:**

*«Офтоб ойимни бўлса Ўзбек ойим ўтқизгали жой топмас, қуда сўзи ўрнига – синглим деб хитоб қилар, ошни ҳам унинг райини сўрамасдан буюрмас эди.*

*Келганларининг ўн бешинчи кунигача шаҳарнинг казо ва казо хотинларини қабул қилиб ўтқардилар. Яъни Офтоб ойим Тошканднинг юзбоши ойимидан тортиб, понсадбоши, қўрбоши то ўрда ойимларигача танишиб олди ва уларнинг ҳар бирларидан кутилмаган даражада иззат, ҳурмат кўрди».*

- **сахийлик:**

*«Кумуш билан Зайнабка аталиб олинган хонатласларга кўнгли тўлмай, «ҳар нучук-да теги нозик, бу бўлса энди кўп кийди, атласнинг ёнига яна бир хитойи латта олингиз», деб марғилонлиқнинг кўйнагини бир кўша қилдирган, битта хитой жуужим мурсакни кам кўриб, ёнига ўзининг қиймат баҳо заррин мурсагини ва иккита рўймолга ҳам қониқмай, ўзининг келинлигидан ўролмайд қолган қалмоқи саллачасини кўшқан эди».*

- **тарбиялилиқ:**

*«Хасанали изоҳ берди: – ... Борадирган жойи узоғроқда бўлиб, кечиккан ва йўлдан келатуриб бу гуноҳига икки меи қимиз олган... Ҳали қимизни менга*

---

<sup>14</sup> Қодирий А. Ўтган кунлар. Роман. / «Аср ошган асарлар» туркуми. – Т.: «Шарқ», 2012.– 384 б.



бериб: «Кириб айтинг, жуда уятлик бўлдим, кечирсинлар», дейдир, – деди, ва кулди».

- **бирдамлик, иноқлик:**

«... Кутидор келганидан бери бир соат ҳам уйда бекор қолмай, ҳар кун Юсуфбек ҳожининг мухлисларидан бирининг уйида меҳмон ва ҳожининг суҳбатидан мамнун эди....Бу ойимларнинг ҳар бирларидан – «албатта бизни кига меҳмон бўлмасдан кетмайсиз, эгачи», деган таклифлар ҳам ҳисобсиз эди».

**2.3.** «Бадий матн таҳлилининг гендер аспекти». Лингвомаданий ёндашув доирасидаги долзарб масалалардан бири бадий матнни тадқиқ қилишнинг гендер аспектидир. Унинг муҳим вазибаларидан бири маданий-асосланган гендернинг репрезентацияланиш механизмларини ўрганишдир. Бадий матндаги гендер стереотиплар кўпинча қуйидагиларда акс этади: а) бадий диалог; б) шахс тасвири; в) сентенциялар. Аёл гўзаллигини ифода этишга қаратилган шахс тасвирини У. Коллинзнинг «The Woman in White»<sup>15</sup> романидан келтириляётган қуйидаги парча орқали тасаввур этиш мумкин:

«... *a light, youthful figure, clothed in a simple muslin dress, the pattern of it formed by broad alternate stripes of delicate blue and white. A scarf of the same material sits crisply and closely round her shoulders, and a little straw hat of the natural colour, plainly and sparingly trimmed with ribbon to match the gown, covers her head, and throws its soft pearly shadow over the upper part of her face. Her hair is of so faint and pale a brown—not flaxen, and yet almost as light; not golden, and yet almost as glossy – that it nearly melts, here and there, into the shadow of the hat. It is plainly parted and drawn back over her ears, and the line of it ripples naturally as it crosses her forehead. The eyebrows are rather darker than the hair; and the eyes are of that soft, limpid, turquoise blue, so often sung by the poets, so seldom seen in real life. Lovely eyes in colour, lovely eyes in form—large and tender and quietly thoughtful—but beautiful above all things in the clear truthfulness of look that dwells in their inmost depths, and shines through all their changes of expression with the light of a purer and a better world*»

Ушбу портрет қахрамоннинг қадди-қоматини, юзини ва кийимларини таърифлаш орқали инсон қиёфасининг тасвирини батафсил акс эттирган. Қизнинг чиройига ҳис-гуйғуга бой сўз бирикмалари: *a light figure, lovely eyes*, эпитетлар: *natural, glossy, beautiful* орқали урғу берилган ва бутун матнда жўшқинлик иррадиацияни яратган. Буниинг натижасида, ҳатто нейтрал сўзлар ҳам таъсирчан тусга эга бўлган: *little, large, faint*. «Аёллик назокати» ўзида ёрқин гендер хусусиятларини жо этган: *delicate, soft, tender, thoughtful* сингари лексемалар оқали ифодалаб берилган. Шунинг қизгин таъкидлаш мумкинки, матнда қўлланган қуйидаги семантик сўзлар гуруҳлари: *youthful, clear, delicate blue and white, limpid, turquoise blue, natural colour, pale a brown, flaxen, light, golden* ва таққослаш *a purer and a better world*, – ёшликнинг гўзаллигига алоҳида изоҳ берган.

<sup>15</sup> Collins W. The Woman in White. 2005. – P. 47.

Бадий матннинг гендер аспектининг ўзига хослиги унинг жамиятдаги ижтимоий маданий ўзгаришларнинг таъсирида юзага келувчи гендер стереотипининг бузилишига мойиллигидир. Тил материалининг таҳлили шуни кўрсатдики, эркакларга мансуб нуткий хатти-ҳаракатларнинг маълум жиҳатлари аёлларга, ва аксинча, аёлларга тегишли бўлганлари эркакларга ўтиб қолиш ҳолатларини учратиш мумкин. Масалан, замонавий аёл нутқида эркакларга хос бўлган мансабпарастлик, бошқаларга тобе бўлмаслик, натижага эришишга интилиш каби сифатлар ижобий баҳоланади:

*Now there were only Gino and Lucky – the two of them against the world. There existed a special bond between them no one could break...»I've set up exactly the deal we've been looking for,» she said. «The right property on the boardwalk. The right investors. I've even got architects and builders coming up with bids. If we move fast, we can start work within the next couple of months. It's all set. All you have to do is give the go-ahead.» She paused for breath. «Of course, we'll need building permits, licenses. But everything's in hand. I have it covered» She grinned triumphantly»<sup>16</sup>.*

Диссертациянинг «Бадий матнда оламнинг миллий-маданий манзарасини яратишнинг лингвистик воситалари» деб номланувчи учинчи бобида лингвомаданий таҳлил ёрдамида лексик ва фразеологик бирликларнинг миллий-маданий хусусияти аниқланди. Концептуал ва фрейм таҳлиллари ёрдамида стилистик воситалар ва маданий концептларнинг оламнинг миллий бадий манзарасини яратишдаги роли аниқланди.

**3.1.** «Бадий матнда оламнинг миллий-маданий манзарасини ифодаловчи лексик воситалар». Тил материали таҳлили шундан далолат берадики, матннинг миллий-маданий хусусиятини яратишда миллий маркерланган лексик воситалар алоҳида рол ўйнайди. Миллий маркерланган лексик воситалар сирасига, энг аввало, муқобилсиз лексика, хусусан сўз-реалиялар киради. Сўз-реалиялар муайян халқнинг турмуш тарзи ва маданиятига, тарихий даври ва ижтимоий тузумига, давлат қурилиши ва фольклорига оид бўлган, бошқа халқ ва мамлакатлардан фарқли ўзига хос хусусиятларини ифодаловчи сўз ва сўз бирикмаларидир <sup>17</sup>. Муаммо доирасидаги лингвистик адабиётлар таҳлили, шунингдек шахсий кузатишлар мазкур тил бирликларининг қуйидаги тематик гуруҳларини ажратиш имконини берди: *кийим номлари; озиқ-овқат маҳсулотлари номлари; маиший предметлар номлари (турар жой, жиҳоз, уй-рўзгор буюмлари); мусиқий асарлар ва мусиқа асбоблари номлари; байрам, анъаналар номлари; ўлчов ва пул номлари; унвон, мансаб, фуқаролик лавозимлари ва касблар номлари; антропонимлар ва адабий қаҳрамонлар номлари; сўз-реалиялар – топоним ва гидронимлар*. Қайд этиш жоизки, ушбу номлар бадий матнда оламнинг миллий-лисоний манзарасини акс эттирувчилари сифатида намоён бўлади. Ч. Диккенснинг «A Christmas Carol»<sup>18</sup> ҳикояси мисолида бутун ҳикоянинг миллий-маданий хусусиятини акс

<sup>16</sup> Collins. J. Lucky 1986. <https://books.google.co.uz>

<sup>17</sup> Влахов С. Флорин С. Непереводимое в переводе. М.: Международные отношения, 1980. – 340 с.

<sup>18</sup> Dickens Ch. A Christmas Carol. <http://www.ibiblio.org/ebooks>

этирувчи сўз-реалияларнинг турли типлари қуйида кўрсатиб ўтилади. Булар диний маркерланган реалиялар (*good Spirit; Ghost of Christmas; Christian name; Christmas Day; grace*), антропонимлар (*Scrooge; Bob Cratchit; Mrs. Cratchit; Master Peter Cratchit; Tiny Tim; Martha; Miss Belinda*), топонимлар (*baker's; pastrycook's; laundress's*), миллий кийим номлари (*robe, twice-turned gown; shawl; bonnet*), таом номлари (*goose; gravy; apple-sauce; pudding*), турар жой ва маиший буюмлар номлари (*torch; four-roomed house; cloth; fire; saucepan; hearth*), пул ва ўлчов birlikлари номлари (*fifteen copies; sixpence;*), касб номлари (*clerk*); анъаналар тавсифидир (*a washing-day*).

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, сўз-реалияларни қўллаш орқали юзага келувчи бадиий матннинг миллий-маданий хусусияти муайян халқнинг маданий аҳамиятга эга бўлган миллий анъаналарини таърифлашда кўпроқ намоён бўлади. Чунончи, ўзбек маданиятида нон билан алоқадор жуда кўп анъаналар мавжуд бўлиб, улар орқали ноннинг нечоғлик қадрли эканини англаш мумкин. Мисол учун, хурсандчилик сабабли ўтказиладиган удумларда нонлар сони жуфт, таъзия каби мусибатли маъракаларда нонлар сони тоқ қўйилади. Ўзбек тилида 30дан ортиқ нон турларининг мавжудлиги ҳам ушбу фактни тасдиқлайди: *обинон, ширмой нон, зогора нон, қатлама, юпқа, лочира, кунжутли нон, седанали нон, пиёзли нон, кадили нон, арпа нон, буздой нон, тарик нон, кепак нон, кўпкан нон, бозор нони, уй нони, гижда нон, Самарқанд нон, Хоразм нон, жиззали нон, патир, қозон патир, кулча, тешик кулча, тўқоч кулча* ва ҳоказолар.

Масаланинг тасдиғи сифатида Тоғай Муроднинг «Ойдинда юрган одамлар»<sup>19</sup> номли асаридан унаштириш маросими тасвирланган қуйидаги парчани келтириш мумкин:

*«Янга бўлмиш огайни-жамоа қошига борди. Оймомо сукутини айтди. Совчилар дастурхонга ўралмиш нонни ўртага қўйди. Қалин айтиш бошланди...*

*- Қани, илоҳим омин, икки ёш қўша қарисин, оллоҳ акбар!*

*Янгаси қиз онаси ўрнида фотиҳа ўқиди. Нон синдирилди. Совчилар оҳорли белқарс ўраб кетди».*

Ушбу мисолнинг миллий хусусият нуқтаи назаридан диққатга сазоворлиги шундаки, унда унаштириш маросими намойиш этилган бўлиб, куёв томондан совчилар ўз мақсадларини билдириб, дастурхонга нон қўйяптилар, бўлажак келиннинг қариндошлари эса розилик белгиси сифатида «нон синдириш» маросимини ўзказяптилар.

**3.2.** «Бадиий матнда оламнинг миллий-маданий манзарасини ифодаловчи фразеологик воситалар». Бу бўлимда биз томондан миллий маркерланган birlikлар сифатида кўриб чиқиладиган фразеологик birlikлар таҳлил қилинди. Фразеологик birlikларнинг миллий хусусияти муайян ҳудуднинг табиати, ландшафти, иқлими, этник гуруҳнинг турмуш тарзи ва ҳоказолар таъсирида вужудга келган образларда намоён бўлади. Улар муайян

<sup>19</sup> Тоғай М. Танланган асарлар. – Тошкент: ШАРҚ, 2008. – Б.221-222.

лингвомаданий жамиятнинг миллий дунёқараши, миллий характери жо бўлган маданий коннотацияни етказди.

